


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№ МДБ-39

20 13 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
максус таълим вазирлигининг
2013 йил “30” декабр даги
484 - сонли буйруғи билан тасдиқланган



ПЕДАГОГИКА

Олий таълим муассасаларининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан дарс берувчи педагоглар учун
малака ошириш йўналишининг ўкув дастури (*Тасвирий санъат ва
муҳандислик графикаси, Меҳнат таълим*)”

Toшкент – 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими
йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини

Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2013 йил 20 декабрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ ҳузуридаги
тармоқ маркази директори
п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- ЎзМУ ҳузуридаги минақавий
марказ директори
ЎзМУ профессор-ўқитувчилари: соц.ф.д., проф.
И.Эргашев, пс.ф.н., доц. Х.М.Алимов, фал.ф.н.,
доц. М.Ортиқов, ТДПУ профессор-ўқитувчилари:
п.ф.д., проф. Ш.Шодмонова, п.ф.н., доц. Б.Ходжаев,
п.ф.н., доц. М.Мамаражабов, п.ф.н., доц.
М.Мирсолиева, п.ф.н., доц. Қ.Абдуллаева, М.
Муталипова, Г. Ибрагимова, М. Файзиева.

Тақризчилар: ЎМКХТТКМ ва УҚТИ п.ф.д., проф. А.Р. Ходжабоев
Низомий номидаги ТДПУ профессори, М.Тошмурадов

Ўқув дастурлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Кенгашида тавсия қилинган (20___ йил _____ даги ___-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Умумий тайёргарлик модули:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари.
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумкасбий тайёргарлик модули:

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

- Электрон педагогика асослари.
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.
- Амалий хорижий тил.
- Тестология асослари.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- Ахборот хавфсизлиги.

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Таълим йўналишлари фанларини ўқитишнинг долзарб масалалари ва замонавий концепцияси;
- Хорижий таълим тажрибаси;
- Педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойихалаш.

Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:

- Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти;
- Мутахассислик фанларини ўқитишда инновациялар.

Танлов фанлар модули.

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари “Педагогика (*Тасвирий санъат ва мухандислик графикаси, Мехнат таълим*)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Педагогика (*Тасвирий санъат ва мухандислик графикаси, Мехнат таълим*)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари, Тасвирий санъат ва мухандислик графикаси, Мехнат таълими йўналишларининг замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойихалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- педагогика ва психология, математика, физика ва астрономия, информатиканинг сўнгги ютуқларини;
- мутахассислик фанларини ўқитишидаги илғор хорижий тажрибаларни;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- электрон педагогика асосларини;
- педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- педагогик инновациялар натижасини баҳолаш ва башоратлаш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни яратса олиш;
- жамият ва таълимни ахборотлаштиришнинг дастурий таъминотидан фойдаланиш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш;
- замонавий лаборатория жиҳозлари асосида физик тажрибаларни намойиш этиш;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;

- инновацион таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Курсни ўқитища замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Модулларни ўқитища дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва боша электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гурӯхларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш жараёни 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

“Педагогика (Тасвирий санъат ва мухандислик графикаси, Меҳнат таълими)” малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни

I. Умумий тайёргарлик модули

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимоӣ ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлаштириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришнинг муҳим шарти хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фандастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамоиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифати ёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битиравчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш.

Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

П. Умумкасбий тайёргарлик модули

2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

2.2. Электрон педагогика асослари.

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристики. Замонавий коммуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимиy ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишининг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишининг интерфаол технологиялари.

2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал) технологиялари. Педагогик муроқот маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилиятлари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш. Муаммоли ўқитиш технологиялари (Кейс технологияси).

2.4. Амалий хорижий тил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида муроқот. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишда, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий муроқот. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид муроқот. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўникмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий ғоясини тушуниш.

2.5. Тестология асослари.

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёrlари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

2.6.Ахборот хавфсизлиги.

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси.

Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни химоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўқув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўқув мақсадларига мослиги.

2.7. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳакида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳукуқий хужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик маърифат ҳакида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули

3.1. Таълим йўналишлари фанларини ўқитишнинг долзарб муаммолари ва замонавий концепцияси.

Замонавий шаротида педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари. Замонавий педагогик атамаларни қўллаш: муаммо ва ечимлар. Олий таълимда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш: муаммо ва вазифалар. Интерфаол таълимни ташкил этиш: профессор-ўқитувчи ва талабалар ҳамкорлиги.

3.2. Хорижий таълим тажрибаси.

Хорижий таълим тажрибаси фанининг мақсади, вазифалари, мазмуни, моҳияти ва тадқиқот методлари. Жаҳон таълим тизимининг ривожланишида, ҳалқаро ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти. Ривожланган давлатларда таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши (Европа давлатлари мисолида). Осиё давлатлари таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари.

3.3. Педагогнинг шахсий ва қасбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация технологиялари. Таълим муассасасининг ахборот майдони. Компьютердан фойдаланган ҳолда педагогнинг иш жойини ташкил этиш. Педагогнинг шахсий ахборот майдонини ташкил этиш. Операцион тизимнинг график интерфейсига кириш

(Microsoft Windows мисолида). Лойиха топшириғи: Педагогнинг шахсий ахборот майдонини лойихалаш. Ахборот технологиялари воситасида методик материалларни тайёрлаш асослари. Матн процессори воситасида методик материалларни тайёрлаш усуллари (Microsoft Word мисолида). Лойиха топшириғи: Microsoft Word дастурида ўқув-методик материалларни тайёрлаш усуллари: тезис, мақола, эсселар. Электрон жадваллар ёрдамида ўқув-методик материаллар тайёрлаш усуллари (Microsoft Excel мисолида). Лойиха топшириғи: ўқув-методик материалларни яратишда қўлланиладиган дастурлар. Презентациялар тайёрлаш усуллари (Microsoft PowerPoint мисолида). Лойиха топшириғи: ўқув жараёнида фойдаланиш учун презентациялар тайёрлаш (ўқитувчининг методик материаллари асосида). Интернетда ва тармоқда педагогларнинг жамоа бўлиб ишлашни ўрганиш. Интернет тармоғини ташкил этиш асослари. Интернет тармоғининг асосий хизматлари, интернет таълим ресурслари, педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги. Ахборот технологиялари воситасида методик портфолиони шакллантириш. Методик портфолионинг кўриниши: нашр, презентация, аудио-, фото-, видеоматериаллар. Лойиха топшириғи: портфолионинг методик материаллар мажмуасини шакллантириш. Ziyonet.uz, pedagog.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Web-интерфейс методик ахборотларни тармоқда жойлаштиришнинг универсал воситаси сифатида. “Ўқитувчи портфолиоси” сайтини яратишнинг технологик асослари. Амалиёт: “Ўқитувчи портфолиоси” сайтини ишлаб чиқиш.

IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули

4.1. Мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти.

Дидактик таъминот: тузилиши ва таркибий қисмлари. Ўқув материалларини танлаб олиш мезонлари. Ўқув материалларини ишлаб чиқиш босқичлари. Ўқув ахборотларини узатиш шакллари, метод ва воситалари.

4.2. Мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар.

Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйилаётган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбик этишнинг самарали шакллари. Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятлари. Ўқитувчи фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндашувлар.

V. Танлов фанлари модули

Педагогика (таълим соҳалари) йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб олий таълим муассасаси ҳузуридаги тармоқ

марказлари танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмунини белгилайди.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш, олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, педагогика, психология фанлари ва уларни ўқитишнинг долзарб муаммолари ҳамда замонавий концепцияси, педагогнинг шахсий ва қасбий ахборот майдонини лойиҳалаш, мутахассислик фанларининг дидактик таъминоти, мутахассислик фанларини ўқитишдаги инновациялар, хорижий педагогик тажрибалар доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида ташкил этилади.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмuni

Тингловчи мустақил ишни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шаклларнинг биридан фойдаланиб бажарилади:

- Реферат (модулга ажратилган соатлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади).

- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрланади.
- Мутахассислик бўйича машғулот ишланмаларини лойиҳалаш.
- Даражали тестлар банкини яратиш.
- Кейслар банкини яратиш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Мустақил иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб уни бажаришда қуйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби

- Титул вароғи;
- Кириш
- Асосий қисм
- Хулоса
- Фойдаланган мабаълар рўйхати
- Илова (Интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.)

Мазмуни

- Тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- Мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- Мультимедия дарслкларини яратиш меъзонлари;
- Талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;

- Касбий педагогика муаммолари;
- Интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва мutoала қилиш;
- Малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- Дарснинг маъruzаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;
- Касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- Педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- Ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Мустақил иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.
2. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.
3. Шахснинг ривожланиши, тарбияси ва ижтимоийлашуви.
4. Тарбия мақсади ва вазифалари.
5. Дидақтика-таълим назарияси сифатида.
6. Таълим жараёни ягона педагогик тизим сифатида. Таълим тамойиллари.
7. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мазмуни.
8. Таълим методлари ва воситалари.
9. Таълимни ташхис этиш.
10. Ўқитувчиларни мънавий-аҳлоқий тарбияси.
11. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча, унинг ўқитувчи фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти.
12. Ўқитувчи фаолиятида педагогик қобилияят.
13. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти.
14. Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот.
15. Педагогик назокат ва одоб-аҳлоқ.
16. Педагогик низолар ва уларни бартараф этиш технологияси.
17. Педагогик техника, нутқ техникаси ва маданият.
18. Ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнидаги маҳорати.
19. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш.
20. Педагогика фанини ривожлантириш жараёнлари ва воситалари.
21. Инновацион педагогик фаолият назарий асослари.
22. Блум таксономияси асосида таълим мақсадларини лойихалаш.
23. Таълим натижалари таксономияси.
24. Замонавий педагогик технологиялар орқали мутахассислик фанларини ўқитишини лойихалаш.
25. Компьютер тармоқлари.
26. Эвристик топшириқлар методи.
27. Тадқиқотли топшириқлар методи.

- 28.Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида кўллаш имкониятлари.
- 29.Дарс-таълимни ташкил этишнинг асосий шакли сифатида.
- 30.Тарбия тамойиллари.
- 31.Электрон ўқув-методик материаллар мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
- 32.Психология фанининг предмети.
- 33.Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашлари.
- 34.Психик жараёнлар ҳақида.
- 35.Кишининг ҳаёт фаолиятида сезгиларнинг аҳамияти.
- 36.Тафаккур ва фикрлаш операциялари.
- 37.Шахснинг ҳиссий иродавий ҳолатлари.
- 38.Темперамент типлари ва уларнинг психологик тавсифи.
- 39.Психологияда характер муаммоси.

Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида:

- таълимнинг замонавий методларини, педагогик ва ахборот технологияларини кўлланишини;
- модулларнинг барча маъruzалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-комуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илфор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштиришни назарда тутади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1912.
2. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.-426 б.
3. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998. -409 б.
4. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.-495 б.
6. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.-275 б.
7. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мағкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
9. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
10. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият”. – Т.: 2008.-176 б.
11. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
12. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Халқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
13. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сонли қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
17. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. 218 б.
18. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик махорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
19. Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зимина И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.
20. Воронин Г.Л. Конфликты в школе.// Социологические исследования, 1994. - № 3

21. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.
22. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003 – 670 с.
23. Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996. 218 с.
24. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. “Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок”. МВССО. Т.,2002. 98 с.
25. Сатторов. А. “Информатика ва ахборот технологиялари”. - Академик лицей ва касб – хунар колледжлар учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2002 й. 325 б.
26. Саттаров И., Б.Ф.Қодиров, У.Ш.Бегимқулов.“Компьютерда лаборатория ишлари”. Т.: ТДПУ нашриёти. 2002. 143 б.
27. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. 163 б.
28. Умумий психология. - А.В. Петровский таҳрири остида - Т.: Ўқитувчи, 1992. 329 б.
29. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000. 122 б.
30. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.,ЎзРФА «Фан», 2003. 176 б.
31. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998. 221 с.
32. Шугуров М.В. Социальный конфликт и само осуществление личности. – Саратов, 1994. 236 с.
33. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008. 92 с.
34. Юлдашев У.Ю.Боқиев Р.Р. Зокирова Ф.М.Информатика-Т.,2002.163 б.
- 35.Мирзаев М. Йиртилаётган никоб. // «Тафаккур». 2000. 4-сон. 31-36 бетлар.
- 36.Глобальные тенденции развития человечества до 2015 года. «У-Фактория». Екатеринбург. 2002. -119 с.
- 37.Иванов И. Россия в современном мире. Ответы на вызовы XXI века. М.: 2004.
- 38.Мир на рубеже тысячелетий (прогноз развития мировой экономики до 2015 г.). – М.: Издательский Дом «НОВЫЙ ВЕК». 2001. - 592 с.
- 39.Кортунов С.В. Диалектика национальной и международной безопасности: некоторые методологические проблемы. // «ПОЛИС». 2009. № 1.С.118-129.
- 40.Гиясов Б., Камильджанов А., Мустапова Х. Международные отношения и дипломатия на современном этапе.Т.: «Kuro-print». 2009. -318 с.
- 41.Поцелуев С.П. Власть как диалог или диалог без власти? К актуальным аспектам политической философии. // «ПОЛИС». 2010. № 1.С.70-81.

- 42.К.Шониёзов Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни -Т.: Фан, 2001. 64-98 бетлар.
43. Қ. Усмонов, М. Содиқов.С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. –Т.: Иқтисод-молия, 2006.
44. А.Иброҳимов. Биз ким, ўзбеклар ... -Т.: Шарқ, 2000, 55-66 бетлар.
45. Муртазаева Р.Х. История Узбекистана. Учебник. -Т.: 2005.
46. Қ.Усмонов, М.Содиқов, С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. –Т.: Иқтисод-молия, 2006.
47. Қ.Усмонов, М.Содиқов, Н. Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. –Т.: Мерос, 2002, 171-194 бетлар.
48. Қ. Усмонов, М. Содиқов.С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. –Т.: Иқтисод-молия, 2006.
49. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи -Т.: Шар?, 2000. 151-171 бетлар.
50. Ахмадшоева М., Нажимов М. Ҳукуқ нима? -Т. ТДЮИ, 2003.-356.
51. Ахмадшоева М. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий ва ҳукуқий асослари //Давлат ва ҳукуқ журнали. № 2 (18). 2004. -4-6 с.
52. Ҳ.Б.Бобоев. Ҳ.Т.Одилқориев.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси 2000.-528 б.
53. Исломов З.М. Ҳукуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2004. -138 б.
54. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бутун, эртага. –Тошкент: ТДЮИ, 2002, 7 б.
55. Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т.: Шарқ, 2002.-320 б.
56. Таджиханов У., Одилқориев Ҳ. Давлат ва ҳукуқ назарияси таъриф ва чизмаларда: Ўқув қўлланма - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.

Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
- 6.<http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
6. www.press-uz.info
7. <http://www.uforum.uz/>
8. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
9. <http://www.xabar.uz>
10. [www.ziyonet.uz.](http://www.ziyonet.uz)
11. [www.edu.uz.](http://www.edu.uz)
12. www.nuu.uz.